

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*DSc, доцент Мавланов Нормўмин Нормаматович,  
Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистан  
Email: [mavlanovnormumin@mail.ru](mailto:mavlanovnormumin@mail.ru)  
ORCID:0000-0001-5117-4658*

## IMPROVING THE METHODOLOGY OF COMPREHENSIVE ASSESSMENT OF CREDITWORTHINESS OF BUSINESS ENTITIES

*DSc, Associate Professor Mavlanov Normumin Normamatovich,  
Tashkent institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan  
Email: [mavlanovnormumin@mail.ru](mailto:mavlanovnormumin@mail.ru)  
ORCID:0000-0001-5117-4658*

### **JEL Classification: M1, M4, M41**

**Аннотация.** Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг тижорат банклари амалиётида қўлланилаётган тартиби ва ундаги мавжуд камчиликлар келтириб ўтилган. Амалдаги тартибда мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни мужассамлаштириб ишлаб чиқилган "Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини комплекс баҳолаш платформаси"нинг моҳияти атрофлича ёритиб берилган. Ушбу платформа хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини комплекс баҳолаш 7 та модул кетма-кетлигида амалга оширилган бўлиб, унда молиявий кўрсаткичлар(ликвидлилик, баланси ликвидлиги, маблағлар айланувчанлиги, молиявий барқарорлик ва самарадорлик), молиявий бўлмаган кўрсаткичлар(умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлик даражаси, бизнес обрўси), иқтисодий ночорлиги(банкротлиги)ни таҳлил қилиши, молиявий ҳисобот элементларини

прогнозлаш, кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ва фаолият узлуксизлигини баҳолашни ўз ичига қамраб олган. Комплекс баҳолаш платформаси ҳар бир модулда корхонанинг иқтисодий аҳволини атрофлича ўрганиш асосида охириги модулда умумий хулоса шаклланади.

**Abstract.** The article describes the procedure for assessing the creditworthiness of economic entities used in the practice of commercial banks and its existing shortcomings. The essence of the "Platform for comprehensive evaluation of the creditworthiness of economic entities" developed by integrating national and foreign experiences in order to eliminate the existing shortcomings in the current procedure, is explained in detail. This platform provides a comprehensive assessment of the creditworthiness of an economic entity in a sequence of 7 modules, which includes financial indicators (liquidity, balance sheet liquidity, liquidity, financial stability and camaraderie), non-financial indicators (general credit history, credit provision, feasibility of the project, the level of competitiveness of the product, business reputation), analysis of economic

*insolvency (bankruptcy), forecasting of financial statement elements, determination of the maximum amount of credit and assessment of business continuity. The comprehensive evaluation platform is based on a comprehensive study of the economic situation of the enterprise in each module, and a general conclusion is formed in the last module.*

**Калим сўзлар.** *Кредитга лаёқатлилиқ, коэффициентлар усули, молиявий кўрсаткичлар, молиявий бўлмаган кўрсаткичлар.*

**Keywords.** *Creditworthiness, ratio method, financial indicators, non-financial indicators, economic insolvency (bankruptcy).*

**Кириш.** Республикамиз иқтисодиёти ривожланишининг асоси тадбиркорлик субъектларининг барқарор ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича Хукуматимиз томонидан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 22 август кунини тадбиркорлар билан очик мулоқатда "бизнес муҳит яхшилангани натижасида ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 минггага кўпайиб, 26 минггага етган. Яна минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказган, 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етган. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган" лигига алоҳида эътибор қаратди.

Бундан кўринадики, тадбиркорлик субъектларига барча жабҳаларда

жумладан, солиқлар бўйича имтиёз ва преференцияларнинг берилиши, инвестицион дастурлар қабул қилиниши асосида ноль қийматда бино ажратилиши ҳамда имтиёзли кредитларнинг берилиши ушбу соҳани қўллаб-қувватланаётганлигидан далолат беради. Шунга қарамадан тадбиркорлик субъектларида молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжни вужудга келиши барқарор ривожланишга тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб келмоқда. Фаолият давомида товар-моддий захиралар, асосий воситалар сотиб олишга ва оборотда пул маблағларининг етишмаслиги тез-тез учраб туради. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларида молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжнинг асосий қисми банк кредитлари ҳисобига қондирилиб келинмоқда. Бундан кўринадики, корхоналарда банк кредитларига талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кредит қўйилмаларининг ошиб бориши корхоналарни кредитга лаёқатлилигини аниқ баҳолаш заруриятини юзага келтиради.

Бундан кўринадики, корхона ва банк ўртасидаги кредит муносабатларини жадаллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Кредит муносабатларида корхона ва банк ўртасида муқобил кредит суммасини аниқлаш муаммоси юзага келади. Муқобил кредит суммасини тўғри аниқлаш банк учун ҳам корхона учун ҳам самарали ҳисобланади. Муқобил кредит суммасини аниқлаш учун корхонани кредитга лаёқатлилигига аниқ ва тўлиқ баҳо бериш зарурияти юзага келади.

**Материал ва метод.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилининг назарий методологик жиҳатлари хорижий ва

маҳаллий олимлар томонидан кенг тадбиқ қилинган бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Фролов (2017) тадқиқотида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг концептуал аппаратини тизимлаштириш ва қарз олувчиларни таснифлаш, ахборот ва ташкилиш таъминотига, қарз олувчи корхоналарнинг ишончлилигини баҳолаш методикасини такомиллаштиришнинг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтган.

Ендовицкий ва бошқ., (2016) корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилининг назарий асослари, ташқи ва ички ахборот таъминотларинг сифати ва мавжудлигини баҳолаш методикаси, банк нуқтаи назаридан корхонанинг кредитга лаёқатлилигига баҳо бериш каби жиҳатларига тўхталиб ўтган.

Наумченкова (2016) корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда коэффицентлар орқали аниқлаш методикасига тўхталиб ўтилган. Бунда корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш бир тмонлама фақат корхонанинг молиявий кўрсаткичларига таянилган.

Рахимов (2019) илмий изланишларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг назарий жиҳатларига атрофлича тўхталиб ўтилган, аммо кредитга лаёқатлилиқни баҳолашнинг хориж тажрибасини ўзида акс эттирган методикаси ишлаб чиқилмаган.

Турдиева (2020) илмий мақоласида кредитга лаёқатлилиқни баҳолашда комплекс таҳлил қилиш орқали кенг қамровли ва аниқ баҳолаш мумкинлигини таъкидлаб, бунда молиявий ва номолиявий

кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурлигини назарий жиҳатдан кўрсатиб берган.

Daniela Feschijan (2008) мақоласида кредитга лаёқатлилиқни баҳолашда бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиб қарз олувчининг жорий кредит қобилиятини аниқлаш ва тенденцияларни прогноз қилиш зарурлиги каби фикрлар илгари сурилган.

Абдуллаева (2017) тадқиқотларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда молиявий жиҳатлари кўпроқ эътибор қаратган бунда номолиявий кўрсаткичлар хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда очиб берилмаган.

Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016) илмий тадқиқотларида кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлсада, кредит миқдорининг максимал ҳажмини аниқлаш методикасига тўхталиб ўтилмаган.

Юкоридаги дарслик ва илмий ишларда келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкин. Хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда молиявий кўрсаткичлар, молиявий бўлмаган кўрсаткичлар, иқтисодий ночорлиги(банкротлиги)ни таҳлил қилиш, молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш, кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ва фаолият узлуксизлигини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотимиз хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили методологиясини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб

олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш, статистика ва жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб борилган, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва таклифлар баён қилинган.

**Натижалар.** Ҳозирги кунда Республикамиз банклари амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усул ва воситалардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, банклар

амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилиқ ва мухторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффициентлар асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги 3 та синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда. Қўшимча кўрсаткичларнинг эса меъёрий чегаралари мавжуд эмас.

1-жадвал

**Амалда банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш мезонлари**

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1. Қоплаш коэф.(Кк)	$K_k > 2$	$2 > K_k > 1$	$1 > K_k$
2. Ликвидлилиқ коэф (Лк)	$L_k > 1,5$	$1,5 > L_k > 1$	$1 > L_k$
3. Мухторлик коэф (Мк)	$M_k > 60\%$	$60\% > M_k > 30\%$	$30\% > M_k$

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш мезонларида қуйидаги такомиллаштирилиши талаб этиладиган(камчиликлар) умумий жиҳатлари мавжуд:

- коэффициентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффициентлар асосида корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- номолиявий кўрсаткичлар ҳисобга олинмаганлиги;
- перспектив таҳлилни амалга оширилмаганлиги;
- хориж тажрибаси эътиборга олинмаганлиги.

Юқоридаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида

Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиқни комплекс баҳолаш платформасини тавсия этмоқчимиз. Ушбу платформа хўжалиқ юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилиқни баҳолашда молиявий кўрсаткичлар, молиявий бўлмаган кўрсаткичлар, иқтисодий ночорлиги(банкротлиги)ни таҳлил қилиш, молиявий ҳисобот элементларини прогностлаш, кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ва фаолият узлуксизлиқини баҳолашни ўз ичига қамраб олган. Ушбу платформада ҳар бир модулда аниқ ўрганилиши зарур масалалар белгилаб олинган.



**1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини комплекс баҳолаш платформаси<sup>1</sup>.**

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Комплекс баҳолаш  
платформаси ҳар бир модулда  
корхонанинг иқтисодий аҳолини  
атрофлича ўрганиш асосида охири  
модулда умумий хулоса шаклланади.

**1-Модул. Кредитга  
лаёқатлилиқни молиявий  
кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш.**  
Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг  
кредитга лаёқатлилигини баҳолашда  
дастлаб молиявий кўрсаткичлар

(ликвидлилиқ, баланси ликвидлиги,  
маблағлар айланувчанлиги, молиявий  
барқарорлиқ ва самарадорлиқ)ни таҳлил  
қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ушбу модулда корхоналарнинг  
кредитга лаёқатлилиқига  
коэффициентлар тизимидан фойдаланган  
ҳолда баҳо берилади ва умумий  
натижалари бўйича синфларга  
ажратилади.

## 2-жадвал

### Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини коэффициентлар тизими орқали аниқлаш ва синфларга ажратиш<sup>2</sup>

№	Кўрсаткичлар	Меъёр даражасига кўра синфларга ажратиш		
		1-синф	2-синф	3-синф
1	Мутлоқ ликвидлилиқ коэффициенти	$K_{ML} > 1,5$	$1 < K_{ML} < 1,5$	$K_{ML} < 1$
2	Жорий тўлов қобилияти коэффициенти	$K_{TK} > 2$	$1,25 < K_{TK} < 2$	$K_{TK} < 1,25$
3	Молиявий мустақиллиқ коэффициенти	$K_{MM} > 0,6$	$0,3 < K_{MM} < 0,6$	$K_{MM} < 0,3$
4	Ҳаракатчанлиқ коэффициенти	$K_X > 0,4$	$0,4 < K_X < 0,1$	$K_X < 0,1$
5	Мажбуриятни қайтариш муддати(кун ҳисобида)	$K_{И} < 60$	$60 < K_{И} < 90$	$K_{И} > 90$
6	ТМЗ айланиш коэффициенти	$K_{ТМЗ} > 8$	$4 < K_{ТМЗ} < 8$	$K_{ТМЗ} < 4$
7	Жорий активлар рентабеллиги	$P_{жа} > 40\%$	$40\% < P_{жа} < I_d$	$P_{жа} < I_d$
8	Соф фойда рентабеллиги	$P_{сф} > 40\%$	$40\% < P_{сф} < I_d$	$P_{сф} < I_d$

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

## **2-Модул. Кредитга лаёқатлилики молиявий бўлмаган кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш.**

Ушбу босқичда корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигига молиявий бўлмаган кўрсаткичлар асосида баҳо берилади. Молиявий бўлмаган кўрсаткичлар корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда молиявий кўрсаткичлар воситасида аниқлаш имкони бўлмайдиган, лекин мазкур масала учун муҳим бўлган жиҳатларни сезиш ва тушуниш ёрдамида амалга ошириладиган ҳамда қарор қабул қилиш учун асос бўладиган алоҳида муносабатлардир. Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини молиявий бўлмаган кўрсаткичлар (умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлик даражаси, бизнес обрўси) асосида баҳо берилади.

## **3- Модул. Иқтисодий ночорлиги(банкротлиги)ни таҳлил қилиш.**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда иқтисодий ночорлиги(банкротлиги)ни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Альтман модели ёрдамида корхоналарнинг банкротлик эҳтимолига баҳо берилади. Бу ўз навбатида узоқ муддатли кредитларни жалб этишда корхонанинг ҳаётийлиги даражасини олдиндан кўриш мумкин. Ушбу модел бизнес фаолиятни таҳлил қилишда муҳим элемент ҳисобланиб, бунинг асосида корхоналарнинг кредитга

лаёқатлилигини баҳолаш имконини беради [7].

Халқаро амалиётда энг кўп қўлланиладиган моделлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Альтман (беш факторли), Бивер, Лиса, Таффлер, Савицкий, Кадырова, Жданова ва бошқалар. Бу моделлар қарзни қайтара олмаслик даражасига қараб кредитга лаёқатлилик синфига ажратади. Амалиётда энг кўп қўлланиладиган модель бу Альтман моделидир.

Э.Альтман модели қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z(A)=1,2 * K1+1,4 * K2+3,3 * K3+0,6 * K4+K5$$

Бу ерда:  $Z$  –банкротлик даражасининг комплекс кўрсаткичи;

$K1$  – Ўз айланма маблағлари((480+490-130) сатр 1-шакл)/баланс суммаси (400 сатр 1-шакл);

$K2$  – соф фойда(270 сатр 2-шакл) / баланс суммаси (400 сатр 1-шакл);

$K3$  – даромад (фойда) солиғини тўлаунга қадар фойда (240 сатр 2-шакл) +фоизлар шаклидаги харажатлар (180 сатр 2-шакл) / баланс суммаси (400 сатр 1-шакл);

$K4$  – акцияларнинг бозор қиймати / мажбуриятлар (770 сатр 2-шакл);

$K5$  – маҳсулотларни сотишдан соф тушум(010 сатр 2-шакл)/баланс суммаси(400 сатр 1-шакл);

Банкротлик rischi даражаси билан кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари ҳисоб китоби мос келиши кўрсатилади (3-жадвал).

Альтман модели бўйича кредитга лаёқатлиликини баҳолаш [9]

Альтман кўрсаткичлари (Z)	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги	Банкротлик rischi
1,8 >	Жуда ҳам паст	Жуда ҳам юқори
от 1,81–2,7	Паст	Юқори
от 2,8–2,9	Ўртача	Ўртача
> 2,99	Юқори	Паст

3-жадвал маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилики даражаси комплекс кўрсаткичи меъёр даражасига қараб баҳоланади.

**4-Модул. Молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш.** Банк ва мижоз ўртасидаги кредит муносабатларида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини кенг қамровли ва ишончли баҳоланиши рискни минималлаштириш олиб келади. Бу эса икки томон учун ҳам манфаатли жиҳатлари мавжуддир. Ҳозирги даврда банк амалиётида кредитга лаёқатлилигини баҳолашга эътибор қаратадиган бўлсак, асосан ўтган даврни ўрганиш асосида келгуси даврга кредит ажратилмоқда. Бундай тартиб ўзида жуда катта рискни қамраб олади. Ушбу рискни камайтиришнинг мақбул ечими молиявий ҳисобот элементларини прогнозлашни амалга оширишдир.

Молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш асосида корхона маблағларини келгуси даврда қанчалик наф келтиришини олдиндан башоратлашни амалга ошириш мумкин. Башоратлаш орқали активлар, капитал ва мажбуриятлар, даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар, келгусидаги пул оқимлари, активларни молиялаштириш юзасидан қўшимча маблағлар манбасига

зарурият сезилиши ҳамда уларни ҳал этиш имконияти юзага келади.

**5-Модул. Кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш.** Банк кредитлари жалб қилишда хўжалик юритувчи субъектлар олдида турган муҳим вазифалардан бири кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект молиявий имкониятидан юқори миқдорда кредит жалб қилиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтараолмасликка ҳамда молиявий аҳволи нобарқарорлашишига олиб келади. Бундан кўринадики, хўжалик юритувчи субъект молиявий имкониятидан келиб чиқиб кредит жалб қилиши иқтисодий самара олиш ҳисобига молиявий барқарорлиги яхшиланишига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш орқали кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш имконини беради. Кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади. 1-Босқич “Кредит ҳажмини аниқлашнинг молиявий кўрсаткичлари” хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий кўрсаткичлари асосида кредит миқдорини максимал ҳажми аниқланади. Аниқланган кредит ҳажми билан сўралаётган кредит ҳажми мувофиқлиги ўрганиб чиқилади.

2-Босқич “Кредит ҳажмини тасдиқлашда



номолиявий кўрсаткичлар” аниқланган кредит ҳажми номолиявий кўрсаткичларни ўрганиш асосида тасдиқланади.

### **6-Модул. Корхона фаолияти узлуксизлигини баҳолаш.**

Корхона фаолияти узлуксизлиги хавфини баҳолаш бизнес ва ишлаб чиқариш жараёнини кенг қамровли таҳлил қилишдир. Бу ҳамкорлик қилувчи корхоналарга потенциал шерик топиш имконини беради. Агар ишлаб чиқарувчи хавфни баҳолаш процедурасидан ўтган бўлса, харидор тайёр маҳсулот ёки хизматни ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишиги ишонч ҳосил қилса бўлади. Бунда маҳсулот ва хизматга халқаро ва миллий талабларга жавоб берадиган сертификат олиш ҳам ишончни ошишига олиб келади. Бундан келиб чиқадики, тижорат банклари корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда фаолият узлуксизлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**7-Модул. Ўрганилган кўрсаткичлар асосида умумий хулоса шакллантириш.** Ушбу модулда юқоридаги босқичларни қиёсий таҳлил қилиш асосида кредит ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида умумий хулоса шакллантирилади.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини комплекс баҳолаш платформаси жорий, ўтган ва келгуси даврни чуқур ўрганиш асосида кредитга лаёқатлиликни аниқ, тўлиқ ва ишончли баҳолаш орқали банк кредит рискинни минималлаштиришга ҳамда корхонанинг қарз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келади.

**Мунозара.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини аниқ, ишончли ва кенг қамровли баҳолаш

кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтишига замин яратиб беради. Ҳозирда тижорат банклари томонидан хўжалик юриувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда асосан коэффициентлар усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Коэффициентлар усули орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини кенг қамровли баҳолаш имкони мавжуд эмас. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини кенг қамровли баҳолашда молиявий кўрсаткичлар билан бир қаторда молиявий бўлмаган кўрсаткичлар, иқтисодий ночорлиги(банкротлиги)ни таҳлил қилиш, молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш, кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ва фаолият узлуксизлигини баҳолаш каби жиҳатларини ҳам ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса.** Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини асосан банк кредитлари ҳисобига қолдириб келмоқда. Бунда банк кредитларидан фойдаланиш қайтмаслик рискинни ўз ичига қамраб олади. Кредитнинг қайтмаслик рискинни пасайтиришнинг энг муҳим йўли хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлигини кенг қамровли ва ишончли баҳолашдир. Бугунги кунда тижорат банклар хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини 3 та молиявий коэффициентдан фойдаланган ҳолда 3 та синфга ажратиб баҳоламоқда. Бу эса хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлигини аниқ ва ишончли баҳолаш имконини бермайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хориж тажрибасини мужассамлаштирган ҳолда миллий иқтисодиёт талабларига мос хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга

лаёқатлилигини комплекс баҳолаш платформаси яратилди. Ушбу платформа хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини молиявий кўрсаткичлар, молиявий бўлмаган кўрсаткичлар, иқтисодий ночорлиги(банкротлиги)ни

таҳлил қилиш, молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш, кредит миқдорини максимал ҳажмини аниқлаш ва фаолият узлуксизлигини баҳолаш орқали баҳо беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Наумченкова Ю. В. Оценка кредитоспособности заемщика. "Теория и практика современной науки". – М.: №5(11) 2016. 4 с.
2. М.Ю.Рахимов, Н.Н.Каландарова. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: "Иқтисод-Молия", 2019. – 736 б.
3. Фролов И.В. Разработка организационно-методического обеспечения предпрейтингового экономического анализа кредитоспособности заемщика. / Дис.... др. экон. наук., 2017. – 171 с.
4. Ендовицкий Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. (2016) Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, - 376 с.
5. Абдуллаева Ш.З. Кредит ва кредитлаш амалиёти: Монография. –Т.: "Iqtisod-Moliya", 2017.-368 б.
6. Азизов У.Ў ва бошқалар. Банк иши. -Т.: "Фан ва технология", 2016, 360, 361 бетлар.
7. Sanja Vlaović Begović, Mirela Momčilović, Stevan Tomašević. The enterprise creditworthiness evaluation – by z" score model, in: Higher Business School, Economic Themes, 52 (2), Novi Sad, Serbia. 2014. p.185
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbirkorлар билан очик мулоқати:янги ташаббуслар, қулайликлар ва енгилликлар. [https://uza.uz/uz/posts/prezidentning-tadbirkorlar-bilan-ochiq-muloqoti-yangi-tashabbuslar - qulaylik-va-engilliklar 401116](https://uza.uz/uz/posts/prezidentning-tadbirkorlar-bilan-ochiq-muloqoti-yangi-tashabbuslar-qulaylik-va-engilliklar).
9. [http://economicportal.ru/ponyatiya-all/altman\\_z\\_model.html](http://economicportal.ru/ponyatiya-all/altman_z_model.html).